




РЕСПУБЛИКАМИЗ МАҲАЛЛАЛАРИДА

ТОШКЕНТ ШАҲРИ

Яқунланган йил мобайнида Тошкент шаҳрининг 420 та маҳалла фуқаролар йиғинида таълим муассасалари билан ҳамкорликда «Ота-оналар университетлари» фаолияти йўлга қўйилди. Айни пайтда ёш авлодни ҳар томонлама етук инсонлар этиб тарбиялаш борасида ушбу университетлар муҳим аҳамият касб этаётир.

ФАРФОНА

Вилоятда янги иш ўринларини яратиш мақсадида асосий эътибор бандликнинг самарали шакллари, хусусан, хусусий тадбиркорлик ва оилавий бизнесни ривожлантиришга қаратилган. «Маҳалла» хайрия жамоат фонди вилоят бўлими ва бўлинмалари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ҳамда ҳамкор ташкилотлар билан биргаликда маҳаллаларда касаначиликнинг барча турларини ташкил этиш ҳисобига 25599 тага яқин иш ўринлари яратилди.

ЖИЗЗАХ

Аҳолининг эҳтиёжманд қатламларини ижтимоий ҳимоялаш мақсадида ўтган йил мобайнида «Маҳалла» хайрия жамоат фонди вилоят бўлими бошқаруви ҳамда бўлинмалари томонидан 46 та, ҳомийлар томонидан эса 132 та кам таъминланган оилага бир бошдан қорамол олиб берилди.

НАВОИЙ

Вилоятда болалар спортини ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилаётир. Бугунги кунда маҳаллалар ҳудудларида 339 та болалар майдончаси фаолият кўрсатмоқда. Ўтган йили Зарафшон шаҳридаги 164 та, Навоий шаҳридаги 14 та ва Кармана туманидаги 2 та болалар майдончаси жорий таъмирдан чиқарилди. Шунингдек, Учқудуқ туманида 2 та болалар майдончаси куриб фойдаланишга топширилди.

ХОРАЗМ

«Маҳалла» хайрия жамоат фондининг вилоят бўлими, фуқаролар йиғинлари ва ҳамкор ташкилотлар билан биргаликда янги оила қурмоқчи бўлган ёшлар ва ёш оилалар вакиллари ўртасида репродуктив саломатликни муҳофаза қилиш, соғлом оилани шакллантириш мақсадида 290 тадан зиёд тарғибот-ташвиқот ишлари олиб борилди.

БУХОРО

Фонднинг вилоят бўлими ва бўлинмаларининг молиявий кўмагида 2012 йилда олий ўқув юртларида шартнома асосида таҳсил олаётган 6 нафар чин етим ва ногирон талабаларнинг ярим йиллик шартнома маблағлари тўлаб берилди. Бунинг учун фонд тузилмалари ҳисобидан 15,9 млн. сўм маблағ ажратилди.

Маҳалла

ЎЗБЕКИСТОН «МАҲАЛЛА» ХАЙРИЯ ЖАМОАТ ФОНДИ РЕСПУБЛИКА БОШҚАРУВИ НАШРИ

1996 ЙИЛДАН ЧИҚА БОШЛАГАН

2013 ЙИЛ 5 ЯНВАРЬ. ШАНБА №2 (862)

www.mahallagz.tj

14 ЯНВАРЬ — ВАТАН ҲИМОЯЧИЛАРИ КУНИ

ЭЛ-ЮРТ ТИНЧЛИГИ — ИШОНЧЛИ ҚЎЛЛАРДА

Президентимиз Ислам Каримов раҳнамолигида ташкилий жиҳатдан мукамил, тезкор ва ҳаракатчан, замонавий қурол-яроғ ва техникага эга миллий армияни барпо этиш йўлида кенг қўламли ишлар амалга оширилди. Бунинг самарасида миллий армиямиз юртиниз мустақиллиги, унинг хавфсизлиги, ҳудудий яхлитлиги ва халқимиз осойишталигининг ишончли қафолатига айланди.



Қуролли Кучларимизда туб ўзгариш, янгиланишлар жараёни босқичма-босқич олиб борилди. 1991 йилнинг 31 августида «Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг асослари тўғрисида»ги қонун қабул қилиниб, бу муҳим ҳужжат республикада ҳарбий сиёсатни амалга ошириш имконини яратди. Мазкур қонун ҳамда «Ўзбекистон Республикасининг давлат мустақиллиги тўғрисида»ги баёнот ўз Қуролли Кучларимизни тузишимиз учун ҳуқуқий асос бўлиб хизмат қилди. Бу борадаги эзгу сазй-ҳаракатларга 1991 йилнинг 6 сентябридаги Мудофаа ишлари вазирлигини ташкил этиш

тўғрисидаги Президент Фармони билан пойдевор қўйилди. Кейинчалик Мудофаа ишлари вазирлиги Мудофаа вазирлигига айлантирилди.

Юртбошимиз раҳнамолигида 1992 йилнинг 14 январида республика Олий Кенгашининг «Ўзбекистон Республикаси ҳудудда жойлашган ҳарбий қисмлар ва ҳарбий ўқув муассасалари тўғрисида»ги қарори билан мамлакатимиз ҳудуддаги ҳарбий тузилмалар мустақил давлатимиз тасарруфига олиниб, 1993 йилнинг 23 декабрида эса Олий Кенгашнинг навбатдаги қарори билан 14 январь — Ватан Ҳимоячилари куни сифатида белгиланди.

Миллий армиямизни ислоҳ қилишнинг узоқ муддатли дастурига мувофиқ, ҳарбий тузилмаларни ягона қудратли тизимга бирлаштирган Қуролли Кучларимиз қисмларининг таркиби ва жойлашуви қайта қўриб чиқилди. Мудофаа доктринаси ва армияни ислоҳ этиш ва модернизация қилиш ҳамда унинг эски ёндашув ва қоллиқлардан принципал жиҳатдан ажралиб турадиган қурилиш тизими бўйича чуқур ўйланган, узоқ муддатга мўлжалланган комплекс дастурни амалга ошириш асосида мамлакатимиз Қуролли Кучларини бошқаришнинг замонавий талабларга жавоб берадиган янги тизими яратилди.

> [3]

КУЧЛИ ДАВЛАТДАН — КУЧЛИ ФУҚАРОЛИК ЖАМИЯТИ САРИ

ТАКОМИЛЛАШАЁТГАН ҚОНУН ЛОЙИҲАЛАРИ

маҳаллани демократик қадриятлар, инсон ҳуқуқ ва эркинликлари ҳамда қонуний манфаатларини ҳимоя қилишнинг муҳим омилига айлантиради

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва Сенатининг кўшма мажлисига тақдим этган Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепциясида фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органларининг жамиятимиздаги ролини янада оширишга алоҳида эътибор қаратилган.



Бунда маҳаллани аниқ йўналтирилган асосда аҳолини ижтимоий қўллаб-қувватлаш, хусусий тадбиркорлик ва оилавий бизнесни ривожлантириш марказига айлантириш, шунингдек, унинг давлат бошқарув органлари фаолияти устидан жамоатчилик назорати олиб бориш тизимидаги вазифаларини янада кенгайтиришга жиддий эътибор қаратиш лозим. Шу билан бирга, «Фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) ва унинг маслаҳатчилари сайлови тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари раислари сайлови тизимини янада такомиллаштириш бўйича оқсоқоллар ва уларнинг маслаҳатчилари энг муносиб фуқаролар ичидан сайланишини, фуқаролар ижтимоий фаоллигини кучайтиришда маҳалланинг аҳамияти ва роли оширилишини таъминлайдиган чора-тадбирларни назарда тутидиган ўзгариш ва қўшимчалар киритиш тақлиф қилинади».

Президентимиз Концепцияда белгилаб берган мазкур йўналишдаги устувор вазифаларни амалга оширишга қаратилган ишлар Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Демократик институтлар, нодавлат ташкилотлар ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари кўмитаси томонидан изчил амалга ошириллаётир.

> [2]

УЧАШУВ

ЭЗГУ ИШЛАР ҚЎЛАМИ КЕНГАЙМОҚДА

Самарқандда зиёлилар, меҳнат фахрийлари ва маънавият тарбиятчиларининг учрашуви бўлиб ўтди.

Вилоятдаги таълим муассасалари ўқитувчи ва мураббийлари, маҳалла оқсоқоллари, маънавият тарбият маркази шаҳар ва туман бўлимлари раҳбарлари, ёзувчи ва шоирлар, нуронийлар ва ёшлар вакиллари иштирок этган мазкур тадбирда Президентимиз Ислам Каримов раҳнамолигида барча соҳаларда амалга оширилаётган ислохотлар юксак самаралар бераётгани, халқимиз турмуш даражаси йил сайин юксалиб бораётгани таъкидланди. Бундай ижобий ўзгаришлар Самарқанд вилояти иқтисодиёти, одамлар турмуш тарзида ҳам ўз ифодасини топаётир.

> [2]

ОИЛА-МАҲАЛЛА-ТАЪЛИМ МУАССАСАСИ ҲАМКОРЛИГИ

ЧУҚУР БИЛИМ СИНОВЛАРДА ПАҲД БЕРМАЙДИ



Н.ҲАЙДАРОВ олган сурат.

«Қадриятлар бешигисан, азиз маҳаллам» шиори остида анъанавий тарзда ўтказиб келинаётган «Маҳаллам тарихини ўрганаман» кўрик-танловининг 2012 йилги республика босқичида ғалиб чиққан Чирчиқ шаҳридаги Аҳмад Яссавий номидаги маҳалла фуқаролар йиғинининг оила-маҳалла-таълим муассасаси ҳамкорлиги доирасида амалга ошираётган ишлари эътиборга молик.

Ёшларнинг дарсларни пухта ўзлаштиришига ва ўқишдан бўш вақтларини мазмунли ўтказишга кўмаклашиш мақсадида тузилган ҳамкорлик кенгаши таркибига маҳалла фаоллари, бошқаларга намуна бўла оладиган ота-оналар, таълим муассасала-

рининг тажрибали педагоглари, барча синф раҳбарлари, ота-оналар кўмитаси раислари, профилактика нозирлари, маҳалла посбони, «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати етакчилари жалб этилган.

Шунингдек, таълим муассасаларида-

> [2]

ЖАМОАТЧИЛИК НАЗОРАТИ

МУАММОЛАР ЕЧИМИДА МУҲИМ ОМИЛ

Аҳолининг ҳуқуқий маданиятини ошириш, ижтимоий-маънавий муҳит барқарорлигини таъминлаш, ҳудудлардаги санитария ҳолатини яхшилаш, ободонлаштириш ишларини ташкил этишда маҳалла фуқаролар йиғинлари томонидан жамоатчилик назоратини кучайтиришга алоҳида аҳамият қаратилаётир.



2012 йил 5 декабрда «Маҳалла» хайрия жамоат фонди республика бошқарувининг 315-сонли қарори асосида мазкур йўналишдаги ишлар аниқ мақсадли тизимга эга бўлиб, тегишли чора-тадбирлар дастури ишлаб чиқилди.

— Мазкур қарор асосида бўлими-миз томонидан тегишли қарор ва 27 банддан иборат тадбирлар режаси тайёрланди, — дейди «Маҳалла» хайрия жамоат фонди Бухоро вилояти бўлими раиси Махмуд Тоиров. — Чунончи, ўзини

ўзи бошқариш органларининг қонун ҳужжатларида белгиланган вазифалари самарали амалга оширилишига кўмаклашиш мақсадида намунавий ҳафталик ва ойлик режалар ишлаб чиқилиб, ҳар бир маҳаллада ҳудуддаги мавжуд ижтимоий-иқтисодий ва бошқа муаммоларни аниқлаш, уларнинг ечимига доир чора-тадбирларни қайд этиш бўйича махсус журнал юритила бошланди.

Бундан ташқари, жамоатчилик назорати йўналишида участка профилактика, солиқ, бандликка кўмаклашиш ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш маркази, газ, электр, сув, иссиқлик таъминоти, махсустрас инспекторлари, хусусий уй-жой мулкдорлари ширкатлари, санитария эпидемиология маркази мутахассиси ва маҳалла фуқаролар йиғинлари билан бевосита ишловчи бошқа мутахассислар иши танқидий баҳоланиб, фаолияти меъёрий ҳужжатлар асосида қайта ташкил этилаётир. Ўзаро ҳамкорлигини таъминлаш ва кучайтириш бўйича жойларда тизимли ишлар амалга оширилмоқда.

> [2]

ҚАРОР ВА ИЖРО

ЮКСАК БАҒРИКЕНГЛИКНИНГ АМАЛДАГИ ИФОДАСИ

Президентимиз Ислам Каримовнинг тақдирномасига биноан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати томонидан 2012 йил 5 декабрда қабул қилинган «Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганлигининг йиғирма йиллиги муносабати билан амнистия тўғрисида»ги қарор ижроси изчил таъминланмоқда.

Шу мақсадда мутасадди давлат ва нодавлат ташкилотлари ўзаро ҳамкорликда зарур ташкилий-ҳуқуқий ишларни амалга ошираётир. Амнистия туфаили жазони ижро этиш жойларидан озод этилаётган шахсларнинг жамиятга мослашишини таъминлаш, уларга

моддий ва маънавий ёрдам кўрсатиш, иш билан таъминлаш юзасидан зарур чора-тадбирлар белгиланган.

Тошкент вилоятининг Зангиота туманида жойлашган аёллар колониясида мазкур қарор ижросини таъминлашга бағишланган тад-

бир бўлиб ўтди. Унда ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари ходимлари ва оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этди.

— Президентимиз ташаббуси билан қабул қилинган амнистия тўғрисидаги қарор юртимизда инсонпарварлик тамойили тўла ва изчил таъминланаётганлигининг амалдаги яна бир яққол ифодасидир, — дейди Тошкент махсус прокурорининг ўринбосари Рустам Ҳамидов. — Билмай хато қилганим ёки қилмишдан пушаймон бўлганларни келонисидан мазкур қарор ижросини таъминлашга бағишланган тад-

бағрикенглик ва кечиримлилик, айниқса, билиб-билмай жиноят қўчасига кириб қолганларни қайта тарбиялаш, соғлом ҳаётга қайтаришда муҳим аҳамият касб этади.

Қайд этиш жоизки, қарорда жазодан озод этилиши кўзда тутилганлар орасида аёлларга алоҳида эътибор қаратилган.

— Қилган оғир жиноятим учун ўн йилдан ортиқ муддатга озодликдан маҳрум этилгандим, — дейди сирдарёлик Наталья Биктаева. — Ушбу муддатнинг ярми ўтганда юртимизда устувор бўлган инсонпарварлик, кечиримлилик туфай-

ли озодликка чиқиб, уйимга қайтапман. Бу ерда оила, фарзандлар дийдоридан азиз неъмат йўқлигига, улар учун фақат ҳалол меҳнат қилиш тўғри йўл эканига кўп бора иқдор бўлдим. Юртбошимиз томонидан мен каби адашганларга нисбатан кўрсатилган ғамхўрлик ҳаёт йўлини бутунлай ўзгартиради, энди фақат ҳалол меҳнат қилиб, одамларга яхшилик қилиб яшашни ўз олдимга мақсад қилиб қўйдим.

**Н.АБДУРАИМОВА,
Ўза муҳбири.**

КУЧЛИ ДАВЛАТДАН – КУЧЛИ ФУҚАРОЛИК ЖАМИЯТИ САРИ

ТАКОМИЛЛАШАЁТГАН ҚОНУН ЛОЙИҲАЛАРИ

маҳаллани демократик қадриятлар, инсон ҳуқуқ ва эркинликлари ҳамда қонуний манфаатларини ҳимоя қилишнинг муҳим омилига айлантиради



Н.ҲАЙДАРОВ олган сурат.

< 1 >

Президентимизнинг 2011 йил 14 январдаги фармойиши билан фуқаролик жамияти институтларини шакллантириш ва ривожлантиришга оид қатор қонун лойиҳаларини, шу жумладан, «Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида»-ги, «Фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) ва унинг масъала-хатчилари сайлови тўғрисида»-ги Ўзбекистон Республикаси Қонун-лари ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»-ги қонун лойиҳаларининг ишлаб чиқиши режа-лаштирилди. Бу соҳадаги норматив-хуқуқий актларнинг лойиҳаларини тайёрлашни ташкиллаштириш мақса-дада республика комиссияси ту-зулиб, тадбирлар дастури маъқу-ланди. Давлатимиз раҳбари янги қонун лойиҳалари устида иш олиб бориш жараёнига жамоатчиликни кенг жалб қилиш, хусусан, қонун лойиҳаларини жамоатчилик муҳо-масидан ўтказиш, танқидий таҳлил қилиш, бу борадаги миллий ва хал-қаро тажрибани ўрганиш ҳамда қўлаш лозимлигига алоҳида эъти-бор қилинган.

«Фуқароларнинг ўзини ўзи

бошқариш органлари тўғрисида»-ги, шунингдек, «Фуқаролар йиғи-ни раиси (оқсоқоли) ва унинг мас-лаҳатчилари сайлови тўғрисида»-ги Ўзбекистон Республикаси Қонун-лари ўзгартиш ва қўшим-чалар киритиш тўғрисида»-ти қонун лойиҳаларини ишлаб чиқиш бўйи-ча махсус эксперт гуруҳи ташкил этилди. Унинг таркибига депутат-лар, илмий-тадқиқот институтлари, нодавлат ташкилотлари, фуқаро-ларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари вакиллари киритилди.

Гуруҳ қонун лойиҳалари устида иш олиб боришда кенг жамоатчи-лик, жумладан, фуқаролар йиғин-ларининг тажрибали фаоллари, ма-ҳалла раислари, олимлар, нодав-лат ноtijорат ташкилотлари, те-гишли вазирликлар, ҳокимликлар мутахассислари, оммавий ахборот воситалари вакиллари жалб қил-ган ҳолда давра суҳбатлари ўтказ-ди. Шунингдек, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Демократик институтлар, нодавлат ташкилотлар ва фуқароларнинг ўзини ўзи бош-қариш органлари қўмитаси ҳамда Фуқаролик жамиятини ўрганиш му-стақил институти ҳамкорлигида мазкур қонунлар юзасидан жамо-

атчилик эшитиш ташкил этилди.

Эксперт гуруҳи қонун лойиҳа-ларини тақомилга етказишда уюшти-рилган давра суҳбатлари билан би-рг қўмита муҳожаатиға қўра қўлаб ташкилотлардан, жумладан, вилот-лардан келган таклифлардан ҳам унумли фойдаланди. Жами қонун лойиҳалари юзасидан 70 тадан ортиқ таклиф келиб тушди. Мазкур таклифлар маҳаллаларнинг манзил-ли ижтимоий ёрдам кўрсатишдаги фаолиятини янада тақомиллашти-риш, фуқаролар йиғинининг худуд-да тадбиркорликини ривожлантириш-га қўмаклашиш ҳуқуқларини янада кенгайтириш, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари жамоат-чилик назоратини амалга ошириш-даги тақомиллаштириш, шунингдек, сайловларга тегишлича, фуқаролар йиғини раислигига ном-зодларга қўйилмадиган талабларни (айниқса, унинг обрўи, маънавия-тининг бўлиғи, тақлилотчилик таж-рибаси билан боғлиқ жиҳатлар) яна-да оширишга қаратилган.

Билдирилган таклифларни умум-лаштириш натижасида қонун лойи-ҳаларига мўйян ўзгаришлар кирит-илди. Хусусан, «Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари

тўғрисида»-ти Ўзбекистон Респу-бликаси Қонунда қишлоқ, шаҳарча ва овул фуқаролар йиғинларига кўпроқ мувофиқлаштирувчи ваколатлари бериш, қишлоқ, шаҳарча ва овул фу-қаролар йиғинларини ҳамда улар-нинг таркибидаги маҳаллалар вако-латларини ажратишга оид меъёрлар белгилади. Мазкур меъёрларнинг киритилиши фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолият-ини янада самарали ташкил этиш-га, уларнинг ваколатларини оши-ришга хизмат қилади.

Қонунда маҳалланинг аниқ йўналтирилган асосда аҳолини ижтимоий қўллаб-қувватлаш юза-сидан фаолияти алоҳида модда билан тартибга солинмоқда. Маз-кур моддага мувофиқ, фуқаролар-нинг ўзини ўзи бошқариш орган-ларига аҳолининг кам таъминлан-ган қатламларини қўллаб-қувват-лашга қаратилган чора-тадбирлар дастурларини ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш ваколатининг берили-ши алоҳида аҳамият касб этади. Бу билан фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари томони-дан тегишли ҳудудда аҳолининг кам таъминланган қатламларини аниқлаш, уларни ижтимоий қўллаб-қувватлашни тизимли йўлга қўйиш, шу мақсадда ажра-тиладиган маблағларни режали сарфлашга эришилади.

Шунингдек, қонун лойиҳасида тузулиши кўзланаётган маслаҳат кенгашири маҳаллани хусусий тад-биркорлик ва оилавий бизнесни ри-вожлантириш марказига айланти-риш вазифасини самарали бажар-ади. Ушбу маслаҳат кенгаширига тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланмоқчи бўлган фуқаролар учун иқтисод, бухгалтерия ҳисоби асосларини ўқитиш бўйича курсларни ташкил этиш, хусусий тадбир-корлик субъектларига берилган им-тиёзлар тўғрисида аҳолини хабар-дор қилиш ва бошқалар бўйича зар-ур ваколатлар берилмоқда.

Қонун лойиҳасида маҳалланинг жамоатчилик назоратини олиб бо-

риш тизимидаги вазифаларини яна-да кенгайтиришга қаратилган меъ-ёрлар алоҳида моддада акс этти-рилган. Ушбу моддага мувофиқ, фу-қароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларига давлат идораларига те-гишли чораларни кўриш тўғрисида муурожаат қилиш каби бир неча янги ва қонун ҳужжатларида белгиланган жамоат назоратини бошқа шакла-рида амалга ошириш ҳуқуқи берил-ган. Фуқаролар ўзини ўзи бошқа-риш органларининг ушбу ваколат-лари жамоат назоратини қучайтира-ди, тегишли ҳудудда аниқланган му-аммоларни ҳал қилишнинг ҳуқуқий механизмларини белгилаб беради.

Юқоридагилар билан бирга, «Фуқаролар йиғини раиси (оқсоқо-ли) ва унинг маслаҳатчилари сай-лови тўғрисида»-ги қонун лойиҳа-сига сайланидиган муносиб инсон раҳбарлигини таъминлашга қаратил-ган. Хусусан, йиғин раиси лавози-мига сайланидиган номзодга сий-ловлардан олдин камдада беш йил тегишли фуқаролар йиғини худуди-да яшаш, давлат ёки нодавлат таш-килотларда иш тажрибаси ва наму-нали оила аъзоси бўлиши каби қўшимча талабларнинг қўйилиши амалиётда учрайдиган мавжуд кам-чиликларни бартараф этишга ҳамда раис лавозимига муносиб номзод-ларни сайлашга хизмат қилади.

Бир сўз билан айтганда, юқоридаги қонун лойиҳалари ма-ҳаллани ҳозирги кунда демократик қадриятлар, инсон ҳуқуқ ва эркин-ликлари ҳамда қонуний манфаат-ларини ҳимоя қилишнинг муҳим омилига айлантиради. Шу билан бирга, фуқароларнинг ўз салоҳи-ятларини рўёбга чиқаришига, иж-тимоий-иқтисодий фаолияти ва ҳуқуқий маданиятини оширишга шaroит яратилади ҳамда жамиятда манфаатлар мувозанатини таъмин-лашга қўмаклашади.

Хайрулла РЎЗМЕТОВ,
Олий Мажлис
Қонунчилик палатаси депутати.

УЧРАШУВ

ЭЗГУ ИШЛАР КЎЛАМИ КЕНГАЙМОҚДА

< 1 >

Учрашувда 2012 йилда вилоятда са-ноат, хизмат кўрсатиш ва сервис, қишлоқ ҳўжалиғи, таълим, соғлиқни сақ-лаш, маданият ва спорт соҳаларида амалга оширилган ишлар, уларнинг на-тижалари ҳақида атрофлича сўз юри-тилди. Самарқанд шаҳри ва туманлар-да кенг қўламли қурилиш ишлари олиб борилди. Янги sanoat қорхоналари ва ижтимоий соҳа объектлари ишга туши-рилди. Қишлоқларда намунавий лойи-ҳалар асосида 900 уй-жой бунёд этил-ди. «Мустаҳкам оила йили» Давлат да-стури асосида Самарқанд шаҳридаги собиқ автомобиль эҳтиёт қисмлари бо-зори ўрнида «Ёшлар шаҳарчаси» барпо этилаётир. Бу ерда бунёд этилаётган ва асосан ёш оилалар учун мўлжаллан-ган уйларида барча замонавий шарт-шароитлар яратилмоқда.

Қишлоқ ҳўжалиғи соҳасида эришил-ган натижалар ҳам эътиборга молик. Пах-тачилардан 200 миллиард сўм, ғалладан 223,5 миллиард сўм даромад олинди. Инсон манфаатларини таъминлаш-га қаратилган ана шундай эзгу ишлар самарасида бугунги кунда вилоятда ҳар юз оилага ўртача 132 телевизор, 99 хо-лодильник, 34 енгил автомобиль тўғри келмоқда.

2013 йилда амалга оширилиши ре-жалаштирилаётган мақсад ва вазифалар янада юксак. 2013 йилда вилоят иқтисо-дийётига жами 1,4 триллион сўмлик ин-

вестициялар жалб қилинади. Шунинг хисобидан 64 умумтаълим мактабида ка-питал реконструкция ва таъмирлаш иш-лари амалга оширилади. 12 касб-ҳунар коллежи қурилади ва капитал таъмирла-нади. Булунгур, Жомбой, Иштихон, Пай-арик, Пастдарғом, Самарқанд ва Пахта-чи туманларидаги марказий шифохона-ларни таъмирлаш аяқунланади, вилоят юқумли касалликлар шифохонасининг янги биноси, битта янги қишлоқ врачлик пункти қурилади. Қўшрабoт, Нарпай, Иштихон, Пастдарғом, Тайлоқ туманла-рида бешта мусика ва санъат мактаби, еттига спорт зали, Ургут, Самарқанд, Оқдарё туманларида учта ўсмирлар спорт мактаби бунёд этилади. Вилоят бўйича 28 қишлоқ массивларида 1050 намунавий лойиҳа асосида уй-жой қури-лиши кўзда тутилмоқда.

Учрашувда мамлакатимизда кечаёт-ган ислохотлар мазмун-моҳияти ва са-мараларини кенг халқ оммасига еткази-ти, ёшларни «оммавий маданият» таъ-сиридан асраш, уларни ҳар томонлама баркамол инсонлар этиб вояга етказиш, тўй-ҳашамларни ортиқча дабдабазолик, исрофгарчиликсиз ўтказишда зиёли-лар, маънавият тарғиботчилари ва кенг жамоатчиликнинг фаол иштирокини яна-да қучайтириш зарурлиғи таъкидланди.

Тадбирда Самарқанд вилоти ҳоки-ми З.Мирзаев сўзга қикди.

Ғ.ҲАСАНОВ,
Ўза мухбири

ЖАРАЁН

Йўналишсиз таксилар: ислоҳот ва самара

Бугунги кунда 15 мингга яқин автотранспорт воситаси талаб доирасида жиҳозланган. Шунингдек, йўналишсиз таксилар учун 230 га яқин махсус тўхтаб туриш жойлари қурилиб фойдаланишга топширилган.

Бу ҳақда «Йўналишсиз таксилар фао-лиятини тартибга солиш борасида амал-га оширилган ишлар натижалари, ютқ-лар ва режалар» мавзуда ўтказилган маъбуот анжуманида маълум қилинди.

Юртимизда йўналишсиз таксилар фаолиятини тартибга солиш билан боғ-лиқ ислохотлар, жумладан, Вазирлар Маҳкамасининг 2011 йил 18 майдаги «Йўналишсиз таксилар фаолиятини тар-тибга солиш чора-тадбирлари тўғриси-да»-ги 139-сонли қарори аҳолига сифат-ли ва хавфсиз такси хизматини ташкил этиш мақсадиға қаратилган. Ушбу қарор билан таксилар учун ягона таниш бел-гилари ва уларнинг ишларини ташкил этишга қўйилмадиган талаблар тўғриси-даги низоом тасдиқланиб, унда Ўзбеки-стон ҳудудида фаолият кўрсатадиган таксиларнинг ташқи кўриниши ва ички ахборот жиҳозланишига доир, шунинг-дек, такси ҳайдовчиларига қўйилмадиган ягона талаблар белгиланди.

Ягона таниш белгилари транспорт оқимида автотранспорт воситасининг ажралиб туришини ва танилишини таъ-минлаш учун мўлжалланган бўлиб, йўловчиларни таксида таниш билан шу-ғулланувчи барча ташувчилар учун маж-бурий ҳисобланади.

Қарор ижросини таъминлаш доира-сида, энг аввало, аҳолига ва ташувчи-ларга мазкур ҳужжатнинг мазмун-моҳи-ятини етказишга қаратилган тадбирлар уюштирилди: республиканинг барча ша-ҳар ва туманларида автоқорхоналарнинг 44 мингдан ортиқ раҳбар ва ҳайдовчи-ларни иштирокида 720 дан ортиқ семи-нар-йиғилишлар, учрашувлар ўтказил-ди. 50 мингдан ортиқ тушунтириш бе-руви буклетлар тарқатилди, оммавий ахборот воситалари орқали кўрсатув ва эшиттиришлар ташкил қилинди, газета ва журналларда мақолалар чоп этилди, агентлиқнинг веб-сайтида шу масалага оид маълумотлар бериб борилиши йўлга қўйилди.

Жиҳозланмаган ва лицензияга эга бўлмаган ҳолда ноқонуний «киракашлик» билан шуғулланаётганларга нисбатан қонун доирасида чоралар қўриш мақ-садида 2012 йилда Ўзбекистон Респу-



ликаси ИИБ ЙҲХББ ва Давлат солиқ қўмитаси билан биргаликда 3979 та қўйма рейд ўтказилиб, аниқланган қондабузарликлар бўйича ҳужжатлар расмийлаштирилган ва тегишли жазо чоралари қўриш учун солиқ органлари-га тақдим этилган. Натижада 41377 та қондабузарлик бўйича 5661,0 млн. сўм жарима ундирилди.

Айниқса, автотранспорт хизмати ус-тидан жамоат назоратини ўрнатишда агентлик томонидан жорий этилган «СМС орқали маълумотлар базаси билан алоқа» интерактив хизмати жуда қўл келмоқда.

Тадбирда таъкидланишича, қарор ижросини таъминлаш борасида Самар-қанд вилотида амалга оширилаётган ишлар алоҳида эътиборга молик бўлиб, вилоятда белгиланган талаблар асоси-да жиҳозланган йўналишсиз таксилар сони бугунги кунда деярли 2,5 минг-га яқинлашган. Шу боис, агентлик то-монидан Вазирлар Маҳкамаси билан ке-лишилган ҳолда 2013 йилнинг биринчи ярим йиллигида Самарқанд шаҳрида на-мунавий семинар-йиғилишни ўтказиш ва Самарқанд вилоти таъкидларини республикадаги бошқа ҳудудларда ҳам кенг жорий этиш режалаштирилмоқда.

Тадбирда агентлик мутахассислари, бошқа мутасадди идоралар вакиллари ҳам иштирок этиб, журналистларни қизиқтирган саволларга батафсил жа-воб бердилар.

Мухбиримиз.

ОРАСТАЛИК
ХОНАДОНДАН БОШЛанади

Ҳам маънавий, ҳам моддий бойлик

Орасталик, саранжом-саристалик маънавиятимизнинг асоси бўлибгина қолмай, моддий бойлик ҳам экани ҳақда синовидан ўтган ҳақиқатдир.

Ҳар бир хонадоннинг маданияти билан бевоcита боғлиқ бўлган орасталик эндилик-да аксарият маҳаллаларнинг турмуш тарзига айланиб бораётир. Бу ишни амалга ошириш-да Жиззах шаҳридаги «Ҳамзаобод» маҳалла-сида ўзига ҳос тажриба тўпланган.

«Ҳамзаобод»даги 610 та хонадонда тўрт ярим минг нафар аҳоли истиқомат қилади. Маҳаллада ободонлаштириш, экологик ма-даниятни юксалтиришга берилмаётган эъти-бор тахминга лойиқ.

Турмуш маданиятини, экологик билимлар-ни кенг тарғиб қилиш мақсадида оилалар ўртасида «Энг ораста хонадон», «Гулзор ҳовли» танловлари мунтазам ўтказиб келин-моқда. «Ҳамзаобод» маҳалласи бундан уй йил илгари «Экология ва саломатлик кунлари» кўрик-танловининг республика босқичида ғолиб чиққан эди.

Ўтган йилдан бошлаб фуқаролар йиғини фаоллари ташаббуси билан ҳар бир хона-донда маънавий чикиндиларни алоҳида тўплаш учун тўрт донадан махсус қўти тарқатилди. Металл, қорғоз, пластмасса ва синтетик чи-киндилар алоҳида қўтиларга тўпланиб, ҳар ой охирида қайта ишлаш қорхоналарига жўнатилаётир. Авваллари чикиндини олиб чи-қиб кетгани учун коммунал хизмат қорхона-сига ҳақ тўланган бўлса, эндиликда уни со-тишдан даромад олинмоқда.

— Чикиндини тўплашнинг янги усули са-ранжом-саристаликни сақлашда муҳим аҳамиятга эгалиғи билан бирга, иқтисодий жиҳатдан ҳам фойдали, — дейди маҳалла фу-қаролар йиғини раиси Неймат Қўйилар. — Вилоятда металл, пластмасса, қорғоз, синте-тика чикиндиларини харид қиладиган қор-хоналар талайгина. Ҳар ой охирида чикин-дилар қайта ишлаш қорхоналарига топшири-лаётир. 2011 йилда маҳалла чикиндиларни сотиш ҳисобидан 1 минг 600 минг сўм даромад қилиб, бу маблағни болалар спорт-ни ривожлантиришга, мактаб кутубхонаси фондини бойитишга сарфлади.

— Янгиликнинг моҳиятини кўпчилик тўғри тушуниб етса, у турмушга сингади, — дейди маҳалла фаоли Назира Азимова. — Ёшларда экологик маданиятни шакллантиришда, ай-ниқса, муҳим аҳамиятга эга бўлган ораста-ликни тарғиб қилиш учун хонадонларда, мак-табда, боғчада тушунтириш ишларини қучай-тираётимиз.

Ҳозир маҳалладаги хонадоннинг ярмидан кўпроги бу ишда фаол иштирок этмоқда. Эн-диликда жамоат жойларида, ҳовиларда турли бўш идишларнинг, елим халталарнинг учрамас-лиғи чикиндиларни тўплашнинг бу усули не-чоғли самара бераётгани кўрсатиб турибди.

Бек НАЗАР.

ОИЛА-МАҲАЛЛА-ТАЪЛИМ МУАССАСАСИ ҲАМКОРЛИГИ

ЧУҚУР БИЛИМ СИНОВЛАРДА ПАҒД БЕРМАЙДИ

< 1 >

— Маҳалламиздаги мингтача оила 3000 нафарга яқин аҳолини ўз бағрига олган, — дейди маҳалла фуқаролар йиғини раиси Муаззам Турдиалиева. — Умумтаълим ва ўрта махсус ўқув қорларининг ўқувчилари эса 541 нафар. Худудимизда 5- ва 6-умум-таълим мактаблари фаолият кўрсатади.

Йиғин фаолларининг ёшлар онгига та-рихий хотира, юксак маънавият, халқимиз-нинг бой анъаналари, маданий меросига жур-мат, мустақиллигимизнинг мазмун-моҳияти-ни англашдек фазилатларни шакллантириш-даги тажрибалари ҳам диққатга сазовор.

— Аҳоли орасида маънавий-маърифий ишлар самарадорлигини ошириш мақса-дида ташкил этилаётган мазкур кўрик-тан-ловнинг нуфузи йил сайин ортиб бормоқ-да, — дейди йиғиннинг диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчиси Лобар Тўйчиева. — Танлов ёшларимизнинг маҳалла инсти-тутига оид билимларини янада мус-таҳкамлашга хизмат қилиши билан бирга, фуқаролар йиғини ҳузурдаги Вояга ет-маганлар, ёшлар, спорт ва соғломлашти-риш масалалари бўйича комиссияси фао-лият, «Оила-маҳалла-таълим муассасаси» ҳамкорлиғи доирасида олиб борилаётган ишларни баҳолашда ўзига ҳос мезон ва-зифасини ўтамоқда. Гулистон шаҳрида бўлиб ўтган сўнгги босқич беллашувлари-да биринчи шарт бўйича фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари томони-дан тақдим этилган ҳужжатлар, таълим даргоҳларининг ўқувчилари ва талабалар-ни томонидан ижодий ёндашув асосида «Маҳаллам тарихини ўрганаман» мавзуси-даги иншоолар ҳакамлар томонидан син-чковлик билан баҳоланди. Жамоалар ўз ма-ҳаллалари тарихи ва анъаналари билан боғлиқ билимларини саҳна кўринишлари,



Н.ҲАЙДАРОВ олган сурат.

бадий дастурлар орқали намойиш этди. Пухта ҳозирлик кўрганимиз сабабли жа-моамиз барча шартларда юқори балл тўплайди.

— Ўқувчиларимизнинг дарсларга мун-тазам катнашишини таъминлаш, ўз иқти-дорларини тўла намоён этишларига қўма-клашиш, шунингдек, ота-оналарнинг бу бо-радаги масъулиятини оширишда маҳалла-нинг ёрдамига суянамиз, — дейди худуд-даги 6-умумтаълим мактабининг директо-ри Турсуной Ғуломова. — Хусусан, «Ма-ҳаллам тарихини ўрганаман» кўрик-танло-вида иштирок этиш баробарида ўқувчи-ларимизнинг билим ва дунёқараш, мил-лий қадриятларимизга ҳурмат юксалди. «Ораста қизлар» клубининг фаолиятида ҳам йиғин мутасаддиларининг қўмағи кат-та. Маҳалланинг диний маърифат ва маъ-навий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича-боғлиқ билимларини саҳна кўринишлари,

римизга рўзгор тутиш, муомала мадания-ти ва бошқа масалаларда маслаҳатлар бе-риб туришади. «Ота-оналар университе-ти» фаолиятининг йўлга қўйилгани эса, бу йўналишдаги ҳамкорлигимизни янада кен-гайтирди.

Дарвоқе, маҳалла ҳудудида рус, ко-рейс, татар, қозоқ, туркман, арман синга-ри жами 30 га яқин миллат вакиллари бир оила фарзандларидек ахил-иноқликда умр кечиради. Умумхалқ байрамлари арафа-сида ташкиллаштирилаётган шодиёналар-да барча миллатларнинг урф-одатларини тараннум этувчи куй-қўшиқлар, саҳна кўри-нишлари намойиш этилади.

Шу тарзда навқирон авлод вакиллари онгига «Ўзбекистон — умумий уйимиз» де-ган муқаддас тушунча шаклланиб бораётир.

Элбек ЖУМАНОВ,
«Mahalla» мухбири.

ЖАМОАТЧИЛИК НАЗОРАТИ

МУАММОЛАР ЕЧИМИДА МУҲИМ ОМИЛ

< 1 >

Маҳаллаларда ижтимоий-маъ-навий муҳит барқарорлигини таъ-минлашда фуқаролар йиғини ва милиция таянч пунктларининг масъулияти ва ҳамкорликдаги са-марали меҳнати талаб этилади. Шу боис, ҳар икки тузилманинг бир бинода фаолият юритиш таж-рибаси бу борадаги ишлар му-ваффақиятини белгилаб берди. Айни пайтда вилоятда 199 та ми-лиция таянч пунктдан 152 таси маҳалла фуқаролар йиғини бино-сида жойлашган. Дастур асосида бошқа таянч пунктлари билан бир бинода фаолият юритиш мақса-дида намунавий гузарлар қурили-

ши ҳам бошлаб юборилди. Таъкидлаш жоизки, вилоятда ободонлаштириш ишларини таш-кил қилиш, айниқса, аҳолига си-нафтли коммунал хизмат кўрсати-лишини таъминлаш бўйича дас-тур доирасида салмоқли ишлар қилинди.

Жумладан, фонднинг Бухоро шаҳар бўлинимасида жамоатчилик ташаббуси билан декабрь ойи ободонлаштириш ойлғиғи сифати-да эълон қилинди. Натижада қисқа муддат давомида салмоқли ишлар бажарилишига эришилди. Шаҳардаги «Ширбудин» маҳал-ла фуқаролар йиғини ҳудудидаги «Талча» ва «Авантархлюк» хусу-сий уй-жой мулкдорлари ширка-

тига қарашли 229- ва 231-уйлар-нинг ертўласида тўпланиб қолган сув чиқариб ташланди. «Шарқ Юлдузи» маҳалла фуқаролар йи-ғини ҳудудидаги Қўқсарой кўчаси 13-уй, «Хавзи Нав» маҳалла фу-қаролар йиғини ҳудудидаги А.Бор-банд кўчаси 1-, 16-уйнинг ертў-ларини тозалаш, 12-сон «Ўҳжа-унжорий» маҳалла фуқаролар йи-ғини ҳудудидаги Мирдўстим 4-му-йулиш, Ҳавзи Бодом кўчаси 2-му-йулишдаги ерошти қувуридан сув сизиб чиқиш, Низомий, С.Раҳи-мов номидаги маҳаллаларда электр тармоғи тизимидаги узи-лиш ҳолатларини бартараф этиш-да тегишли ташкилотлар вакил-лари билан бирга аҳолининг хиз-

мати ҳам катта бўлди.

— Ободонлаштириш ишлари талаб даражаcида бўлмаган баъ-зи бир ҳудудларни ўргангани-мизда, бу жойларда таниқли, жамоатчилик орасида муносиб обрў қозонган инсонлар ҳам ис-тиқомат қилаётгани ойдинлашди, — дейди фонд вилоят бўлими ра-иси М.Тоиров. — Аммо, афсуски, уларнинг аксарияти расмий иш туфайли маҳалладан узилган, ободончилик ишларига мутлақо бефарқ экан. Фонд мутасадди-лари билан бирга таъсирчанлик-ни қучайтириш орқали натижаға эришишга қарор қилдик. Вилоят миқёcида ташкиллаштириладиган ободончилик ишларига ҳурмат-

эътиборли, масъул лавозимлар-да фаолият кўрсатаётган киши-ларни жамоатчилик асосида би-риктирдик. Энг асосийси, мазкур масала бўйича ўтказиладиган та-нқидий муҳокамаларда маҳалла-нинг номи эмас, балки «фалончи истискомат қилаётган маҳалла» йўналишида муурожаат этишга ке-лишилди. Жамоатчилик назора-тини қучайтириш йўлидаги бу ҳаракат натижасида маҳаллалар-даги ободончилик, ижтимоий-маънавий муҳит соғломлигини таъминлаш анча яхшиланди. Аҳоли бандлиғи муаммоси, янги иш ўринларини яратиш масала-лари атрофлича ечим топа бош-лади.

ЭЛ-ЮРТ ТИНЧЛИГИ – ИШОНЧЛИ ҚЎЛЛАРДА



< 1

Қўшинларнинг тузилиши ва жанговар тарихи, ташкилий-штар курилиши тубдан ўзгартирилди. Бугунги замонавий шaroитда бошқариш нуқтаи назаридан ноқулай, самарасиз бўлган қўшнмалар, кўп погонали бошқарув тизимининг туғатилиши самарасида армиямиз қиёфаси тубдан ўзгарганини алоҳида таъкидлаш жоиз. Қуролли Кучларимизнинг қудрати, жанговар салоҳияти, ҳарбий қисм ва бўлинмаларнинг ҳаракатчанлиги, тез ва шиддатли тарзда кечадиган маҳаллий операцияларни олиб боришга тайёргарлиги, мамлакатимиз чегаралари дахлсизлигига раҳна солишга, унинг ҳудудига суқилиб қилишга уринадиган ҳар қандай тажовузкор босқинчиға муносиб зарба бериш қобилияти ошди.

Бугунги кунда тўла ишонч билан айтиш мумкинки, миллий армиямиз жаҳон ҳарбий қурилишининг энг илғор тажрибаларини ўзида мұжассам этган бўлиб, айни пайтда миллий жанговар аъналаримизни юксак сadoқат билан давом эттирмоқда.

Қуролли Кучларимизда олиб бoриладиган ислохотларнинг энг муҳим амалий натижаси, ҳеч шубҳасиз, армиядаги ахлоқий-руҳий, маънавий муҳитнинг бутунлай янгиланганида яққол намоён бўлмоқда. Ҳарбий жамoаларда ҳарбий хизматчилар ўртасидаги муносабатлар ва энг асосийси, жамиятимизда армияға ва ҳарбий хизматға нисбатан ёндашуш ва қарашлар бутунлай ўзгарди. Собиқ тузум даврида йигитларимиз ҳарбий хизматни юртимиздан олисда бўлган ҳарбий қисм ва қурилиш батальонларида ўташға мажбур эди. Аскарлар ўрта-сидаги носоғлом муҳит, тенгсизлик

ва инсон шахсини камситувчи турли иллатлар oқибатида ўша даврда ёшлар илохи бoрича ҳарбий хизматға бoрмасликка ҳаракат қиларди. Эндиликда Қуролли Кучлар сафида хизмат қилиш Ўзбекистон фуқароси учун наинки конституциявий бурч, айни чоғда мамлакатимиздаги энг нуфузли касблардан бириға айланди.

— Юртимиз тинчлиги, фуқароларимизнинг осийишта турмуш кечириши, сарҳадларимиз дахлсизлиги биз ҳарбийларнинг сергак ва oғoҳлигимизға боғлиқ, — дейди Жанубий-Ғарбий округ капитани Илҳом Миравазов. — Сафимизда хизмат қилаётган, мард, жасур йигитлар Ватан oлдидаги муқаддас бурчини бир дақиқа бўлса ҳам унутмасдан, шижoат билан хизматни ўтамоқдалар. Негаки, ҳар бир инсон туғилиб ўсган юртини, унинг ҳар қарин ерини ардоқлаши, ҳимоя қилиши шарт. Ота-боболаримизнинг ана шундай ўғити билан камол толган ёшларимиз Ватан oлдидаги хизматларини юксак ифтихор, чексиз гурур билан ўташға доимо тайёрдилар.

Муддатли ҳарбий хизматға чақирши бир йилда бир марта ташкил этилаётган, сержантлар таркибининг сифат жиҳатидан сезиларли даражада кучайгани, сафарбарлик-чақирув резерв хизмати-нинг жорий этилгани миллий армиямиз қиёфаси ва мазмун-моҳиятини тубдан ўзгартиришға, жанговар тайёргарлигини юксалтиришға хизмат қилмоқда. Давлатимиз раҳбарининг 2008 йил 20 ноябрда қабул қилинган «Фуқароларнинг Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучларида муддатли ҳарбий хизматни ўташ шарт-шaroитларини такомиллаштириш чoра-тадбирлари тўғрисида»ги фармо-

ни иҳросини таъминлашда ҳамда фуқароларни муддатли ҳарбий хизматға чақирши ва ҳарбий хизмат муддатини ўтаб бўлган ҳарбий хизматчиларни доимий яшаш жойлар сафида хизмат қилиш Ўзбекистон фуқароси учун наинки конституциявий бурч, айни чоғда мамлакатимиздаги энг нуфузли касблардан бириға айланди.

— Сержантларнинг интеллектуал ва профессионал салоҳиятини ҳамда тайёргарлик савиясини ошириш борасида сезиларли ишлар амалға оширилмоқда, — дейди Тошкент ҳарбий округи Сержантлар тайёрлаш мактаби бошлигининг тарбиявий ишлар бўйича ўринбосари, подполковник Абдуваҳид Бозоров. — Таълим-тарбия жараёнини янада такомиллаштириш, олиб бoриладиган илмий-усулубий ишларни яхшилаш мақсадида таълим замонавий техник воситалар ва компьютер технологиялари асосида олиб бoрилмоқда. Ташкилотчилик кўникмаларига эга, билимдон, мустақил ҳаракат қиларган ва ҳар қандай шaroитда тўғри қарорлар қабул қилишға қодир юқори малакали мутахассисларни тайёрлашға қаратилган ўқув дастурлари ишлаб чиқилди. Давлатимиз раҳбари ташаббуси билан ташкил этилган сержантлар тайёрлаш мактабларида соҳанинг барча бўғинлари учун юксак маънавий-ахлоқий ва етакчилик фазилатларига эга, интеллектуал салоҳияти юқори кичик командирлар тайёрланмоқда.

Истиқлол йиллари ҳарбий соҳада амалға оширилган улкан иш-лохотлар самараларига назар ташлар эканмиз, миллий армиямизнинг куч-қудрати ва салоҳиятига, эртанги кунимизга ишончимиз янада ортади, қалбимизда сарҳадларимиз дахлсизлиги, юртимиз тинчлигини таъминлаётган мард ва жасур ҳарбийларимиз билан гурурланиш туйғуси жўш уради.

Сардорнинг ўзига хос иш услуби бор



Н.ХАЙДАРОВ олган сурат.

Аҳмад Дониш номидаги маҳалла Юнусобод туманидаги энг намунали фуқаролар йиғинларидан. Баҳодир Ёдгоров раҳбарлигидаги мазкур йиғин мутасаддиларининг фаол сaй-ҳаракатлари, ташаббуси ва изланишлари самарасини бутун ҳудуддаги ободлик, саранжом-саришталлик, ўзаро ҳурмат ва миллатлараро тотувлик аққол намоён этиб турибди.

Айниқса, ўтган Мустаҳкам оила йи-лида маҳаллада бирор марта ҳуқуқбузарлик ва жиноятчилик билан боғлиқ ҳолат қайд этилмагани, айрим нотинч оилаларда ҳам барқарор муҳит юзаға келгани таҳсинға сазовор.

— Маҳалламиз 29 та кўпқаватли уйдан иборат, — дейди Аҳмад Дониш номидаги маҳалла фуқаролар йиғини расиси Б.Ёдгоров. — 2100 та оилада истиқомат қилаётган тўрт ярим миң нафарға яқин кишининг ҳар бири билан танишиб, кимлиги, нима иш билан машғуллиги, кўнглидаги ният ва мақсадларини билиб олиш, албатта, осон иш эмас. Бироқ маҳалла посбони жамоат тузилмаси сардори Рустам Жалиловнинг тиниб-тинчимаслиги, вазифасига виждонан ёндашиши натижасида бунинг улдасидан чиқдик. Айни пайтда, ҳар бир оиланинг аъзолари, ижарада ашаётганлар ҳақида тўлиқ маълумот тўпланган. Маҳалла посбони жамоат тузилмаси сардори низоми асосида ўз фаолиятини намунали йўлга қўйиб олди.

Маҳалла фуқаролар йиғини идорасидаги иш ҳужжатлари, йиғин ҳаётидан олинган лавҳаларни акс эттирган альбом плакатлар, ҳамкасблар ётироғи ва маҳалладошларнинг илик муносабатларига таяниб сардор ҳурмат ва эътиборға, ўзига хос иш услуби ва тажрибаларига эга эканиға амин бўлдик.

— Ҳаётда ҳамма нарсa учрайди, — дейди сардор Р.Жалилов. — Кимдир адашиб ёмон йўлга қиради, кимдир бил-бел бўлимай хато қилади. Аввало, бизнинг вазифамиз — маҳалла ахлини яхшию ёмондан оғoҳ этиш, ҳудуддаги тинчлик ва осийишталикни сақлашнинг иборат. Қолаверса, ҳар қандай хатонинг кейинчалик тузатгандан кўра вақтида олдини олган маъул. Шу боис, асосий эътиборимизни профилактика чoра-тадбирларға қаратганмиз. Маҳалладошлар орасидан фақат яхши фазилатли инсон чиқши, фарзандлар одоб-ахлоқли, баркамол бўлиб улғайиши учун интилятимиз. Уларни гиёҳвандлик, терроризм, турли тажовузкор ҳавф-хатарлардан асраш — бурчимиз.

Ўтган йиллар давомида маҳалламиздаги тўртта оилада диний ақидаларастликка мойиллик аломатларини аниқлагандик. Тезда бу оилаларда соғлом маънавий муҳитни қор толптириш бўйича аниқ тадбирлар уюштирдик. Ҳудудимиздаги 247-умумтаълим мактабида ҳар ҳафтада ташкиллаштириладиган оғoҳликка даъват этувчи тадбирларимиздан ташқари, бу оилаларни алоҳида-алоҳида суҳбатта қорладик. Бoиси, кўпчиликда улар тўғрисида айрича фикр тугдирмаслик ва уларнинг аяқлашиб қолишига йўл қўймаслик. Энг муҳими, тегишли идораларнинг диний мутахассислари билан ўша хонадондаги-

ларнинг яқкама-яқка суҳбатлари кўпчилида маҳаллада бирор марта ҳуқуқбузарлик ва жиноятчилик билан боғлиқ ҳолат қайд этилмагани, айрим нотинч оилаларда ҳам барқарор муҳит юзаға келгани таҳсинға сазовор.

— Маҳалламиз 29 та кўпқаватли уйдан иборат, — дейди Аҳмад Дониш номидаги маҳалла фуқаролар йиғини расиси Б.Ёдгоров. — 2100 та оилада истиқомат қилаётган тўрт ярим миң нафарға яқин кишининг ҳар бири билан танишиб, кимлиги, нима иш билан машғуллиги, кўнглидаги ният ва мақсадларини билиб олиш, албатта, осон иш эмас. Бироқ маҳалла посбони жамоат тузилмаси сардори Рустам Жалиловнинг тиниб-тинчимаслиги, вазифасига виждонан ёндашиши натижасида бунинг улдасидан чиқдик. Айни пайтда, ҳар бир оиланинг аъзолари, ижарада ашаётганлар ҳақида тўлиқ маълумот тўпланган. Маҳалла посбони жамоат тузилмаси сардори низоми асосида ўз фаолиятини намунали йўлга қўйиб олди.

Фарзанд тарбияси, муомала маданияти, ота-оналик масъулияти борасида намунали оилалар тажрибасини омаллаштириш жуда кўп келяпти. Айрим ичкиликка руку қўйганлар ана шундай суҳбатлар, обрўли инсонлар маслаҳати боис, тўғри йўлга тушиб олди. Сардорнинг фикрларига қўшимча тарзида маҳалла маслаҳатчиси Лoбар Тўхтаева фуқаролар йиғини фаолларининг фарзандларини турли иллатлардан ҳимоя қилиш борасида тўплаган тажрибаларидан сўз очди:

— Худудимизда кўнгилоҳар жойлар йўқ. Шундай бўлса-да, оқсоқол, сардор, худуд профилактика инспектори билан биргаликда маҳаллаға яқин интернет-кафе, компьютер клубларини назоратға олганмиз. Уларнинг раҳбарлари билан шартнома тузиб, дарс пайти ҳамда тунги пайтларда болаларнинг компьютердан фойдаланишларини тақиллаш, акс ҳoлда, жавобгарликка тортилиши ҳақида келишиб олганмиз. Шу асосда тез-тез рейдлар уюштирамиз. Уйларида интернет тармоғига уланмиш имкони бўлган болаларнинг ота-оналарини чақириб, тушунтиришлар ўтказдик. Интилишларимиз самара бeраётганидан руҳланиб, янги Обoд турмуш йилида ҳам худудимизда ҳайрли ишларни давом эттирялмиз. Ноҳуш ҳoлатлар юз бeрмаслиги учун зарур чoра-тадбирлар режасини ишлаб чиқдик.

«Маҳалла посбони» жамоат тузилмалари тўғрисидаги низомида маҳалла ҳудудига жойлашган давлат идоралари ва жамоат уюшмалари, барча ташкилотлар, қорхоналар ва муассасалар раҳбарлари ҳамда маҳаллада истиқомат қилувчи ҳар бир фуқаро худуд осийишталлиги ва жамоат тартибини сақлашда посбонларға кўмак бeришға бурчли экани белгиланган. Ҳамжиҳат ва ахил яшаш ободлик, фаровонликка омил бўлиши Аҳмад Дониш маҳалласи ҳаёти мисолида ўз тасдиқини топаётир.

**Ю.ХОЖИЕВА,
«Mahalla» мухбири.**

МАҲАЛЛА ТАДБИРКОРИ

ҚЎҒИРЧОҚЛАР ОЛАМГА ҚУВОНЧ БИЛАН БОҚАДИ

...Миллий кўғирчоқлар. Атласу адрес, банорасу бека-самдан либос кийган, чехраларида табассум балкиб турган «боболар», «момолар», «отахону» «онахонлар», «йигит-қизлар». Улар орасида Фарҳод ва Ширин, Тоҳиру Зуҳра каби кўплаб эртак қаҳрамонлари, халқимиз яратган севимли тинимоллар бор. Кўғирчоқлар гўёки шу лаҳзада мулоқотга киришиб кетадигандек маънодор қиёфада.

Дарвоқе, жондан азиз бола-жонларимизға қувонч ва шодлик бағишлайдиган бу кўғирчоқларнинг ҳар бирида ўзгача сеҳр, ўзгача меҳр мужассам. Чунки кўғирчоқлар болаларимизни овутибгина қолмай, уларға теварак олам ва мавжудотлар, асосий ҳаёт тушуначларига оид илк тасаввурларни бeради. дунёқараш, онгини шакллантиради. Қолаверса, улар қалбида миллий кадриятларимиз, ўзлигимиз ва урф-одатларимизға ҳурмат ҳиссини уйғотди.

Хоразм вилоятининг Хонқа туманида кичкинтойларға бир-биридан бежирим кўғирчоқлар ясаб кeлаётган, нафақат юртимизда, ҳатто ҳарбий мамлакатларда ҳам доврўғ қозонган кўғирчоқбоз уста истикомат қилади. У олис туманнинг энг чекка ҳудуди — «Дўстлик» маҳалласида яшаса-да, ўз касби-қори билан катта эътибор, иззат-икромға эга бўла олди.

— Мансурбек Қуриёзов маҳалладошларимизға қувонч, шодлик улашиб кeлаётган ажойиб элдошимиз, дилкаш, самимий, меҳнаткаш йигит, — дейди суҳбатдошимиз «Маҳалла» хайрия жамоат фонди Хонқа тумани бўлинимаси раиси, «Дўстлик» ордени соҳиби Рўзмамат Мадаминов. — Елиб-югуриб, қанчадан-қанча мутасадди ташки-

лотларға, ҳатто Тошкентгача бoриб оруз-ниятини амалға оширди: туманимизда «Жайхун» номили кўғирчоқ театри ташкил қилди. Туман маданият ва спорт ишлари бўлими қоидаги бу маданият маскани жамоаси вилоятимизнинг энг чекка ҳудудларигача иходий савфарда бўлади. Қуриёзовлар хонадонини «Кўғирчоқбозлар оиласи» сифатида эъзоэзлашди, қадим аънааналарни тарғиб этишаётгани боис қадрлашади.

Мансурбек Қуриёзов чиндан ҳам халқ амалий санъатининг ноёб дурдондаси ҳисобланган кўғирчоқбозликни ривожлантиришға, ижодий янгиликлар билан бойитишға ҳисса қўшиб кeлаётир. Унинг бошқошгида турмуш ўртоғи Гулзода, фарзандлари ва маҳалладошлари Қурхондин Ёқубов, Боур Шавкатов, Заммира Отажоновалар миллий кўғирчоқлар тайёрлашади. Уларни ўзлари «кийинтиришди». Базан кечалари ҳам ишлашға тўғри кeлади. Чунки қирқ ўрим сочили, атлас либосли кўғирчоқларнинг харидорлари тобора ортиб бoраётир. Вилоятдаги асарият мактабгача тарбия муассасалари, фарзандларига қувонч улаишни истовчи ота-оналар Мансурбекнинг доимий миҳозлари. «Жайхун» кўғирчоқ театри томошалари қаҳрамонлари ҳам унинг

ижод маҳсуллари.

— Мансурбек Хоразм вилояти давлат кўғирчоқ театри жамоасининг ҳам яқин кўмақдоши, — дейди ушбу даргоҳ раҳбари, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими Давронбек Отабоев. — «Жалолиддин тулпори», «Пахлавон Махмуд қиссаси», «Олтин бешик», «Хунарли ўзар», «Бобо ва набира», «Тоҳир ва Зуҳра», «Ур, тўқмоқ!», «Афанди сарғузашларини» каби ўнлаб спектаклларимизға кўғирчоқларни тайёрлашда жонбозлик кўрсатди. Узоқ йиллар театримизнинг бош режиссёри бўлиб ишлади. Ҳозир ўзининг кўғирчоқ театри бор. Ҳамкорлигимиз мустаҳкам. Ўтган йили Боку шаҳрида бўлиб ўтган Халқор кўғирчоқ театри фестивалида совринли ўринни эгаллашимизда Мансурбекнинг хизмати катта.

Кўғирчоқбоз Мансурбек Қуриёзов Ўзбекистон Халқ таълими ва бoзoлиқни ривожлантириш, ижодий, пойтахтдаги кўғирчоқ те-атрлари, Ўзбекистон телерадиокомпанияси билан ҳамкорликда болажонларимизға қувонч улаиш-шдан эринмайди. Франция, Италия, Бельгия, Германия, Ҳиндистон каби дунёнинг ўндан ортик мамлакатларида бўлиб, ўзбек халқ ўзлари «кийинтиришди». Базан кечалари ҳам ишлашға тўғри кeлади. Чунки қирқ ўрим сочили, атлас либосли кўғирчоқларнинг харидорлари тобора ортиб бoраётир. Вилоятдаги асарият мактабгача тарбия муассасалари, фарзандларига қувонч улаишни истовчи ота-оналар Мансурбекнинг доимий миҳозлари. «Жайхун» кўғирчоқ театри томошалари қаҳрамонлари ҳам унинг

янги қизикарли томошалар, «Ассалом, Янги йил!», «Қорбобо ва Қорқиз сарғузашлари» каби болалар-бoп сахна кўринишларини намоийш этиш билан банд.

— Айни дамда бoзорларда, дўконларда сотилаётган европача андазадаги «Барби» деб номланган, ярим ялонғoч кийинтирилган кўғирчоқлар, тўппонча, ўқ-ёй, граната, танк каби совуқ қуруллар намуналари, даҳшатли фильмларнинг кўрқинчли қаҳрамонлари башаралари ифодаланган ўйинчоғу кўғирчоқларни қуриб ҳайратланаман, — дейди Мансурбек Қуриёзов. — Булар болажонларимиз тарбиясига салбий таъсир ўтказмай қолмайди. Тўғри, болаларбoп китoб, плакат, расм, буклет, газета, журнал ва мултьфильмлар бор. Лекин миллий кўғирчоқлар жуда кам. Хивада бир уста бор. Тарихий обида — Калта минора ёнидаги мўъжазигана дўконда кўғирчоқ сотади. Оиласи билан биргаликда қoғoз, ёғoқ, гипс, сомондан шундай чирроили кўғирчоқларни ясаб, уларға ярашиқли миллий либослар кий-дантириб қўйибдики, қўриб ҳавас ва ҳайратингиз ошади. Дўконға яқинлашшингиз билан гўё сеҳрли эр-лакатларида бўлиб, ўзбек халқ амалий санъатини намоийш этаётир. Шу билан бирға у чет эллардаги нуфузли танлов ва анжуманларда халқимиз ҳар қандай соҳада ҳеч кимдан кам эмаслиги ва бундан кейин ҳам кам бўлмаслигини исботлаб кeлмоқда. У жамоаси билан боғчалар, мактабларға тез-тез ташриф буюради. Шу кунларда Мансурбек Қуриёзов Обoд турмуш йиллиға бағишлаб

улғайиши эртанги ҳаётимиз, юртимиз тақдирига ҳам таъсир кўрсатади-ку.

Дарҳақиқат, кўғирчоқлар ўғил-қизларимизни шунчаки овутиш воситаси бўлиб қолмай, балки уларға тарбиявий, руҳий-маънавий озуқа бeради. Шу боис, фарзандларимизни миллий кадриятларимизға ҳурмат руҳида камол топтириш учун ҳам мазкур соҳаға эътиборни янада кучайтирмоқ даркор.

**Абдулла САФOЕВ,
«Mahalla» мухбири.**

ТАНЛОВ

Намунали милиция таянч пункти

Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазириги, Ўзбекистон Хотин-қизлар кўмитаси, «Маҳалла» хайрия жамоат фонди ва бошқа ташкилотлар ҳамкорлигида ўтказиб келинаётган «Намунали милиция таянч пункти» республика кўрик-танловининг Бухоро вилояти бoсқичи ақланди.

Милиция таянч пунктлари ва профилактика инспекторларининг маҳалла фуқаролар йиғинлари, хотин-қизлар ва яраштириш комиссиялари, таълим муассасалари ҳамда турли жамоат ташкилотлари билан ҳамкорликда фаолият юритиши ҳудудларда тинчлик ва осийишталлики, жамоат ҳафсизлигини сақлашда муҳим аҳамиятға эга. Мазкур кўрик-танлов бу борада юқори натижаларға эришаётган милиция таянч пунктларини аниқлаш, уларнинг иш тажрибасини кенг омаллаштиришға хизмат қилади. Танловда унинг қўйи бoсқичларида сараланган 12 милиция таянч пункти иштирок этди.

Тегишли мезонлар асосида ушбу тузилмалар фаолияти акс этган ҳужжатлар атрофлича ўрганиб чиқилди. Намойиш этилган кўргазмалар синчковлик билан баҳоланди. Натижада Бухоро шаҳридаги 35-милиция таянч пункти танловнинг вилоят бoсқичи ғoлиби деб топилди.

— Милиция таянч пунктимиз Абдуллохон Фихудовий номидаги фуқаролар йиғини билан ҳамкорликда иш олиб бoради, — дейди 35-милиция таянч пункти профилактика инспектор, капитан Акмал Шарипов. — Ҳудудимизда турли миллат вакилларида иборат 2300 нафар аҳоли истикомат қилади. Биз маҳалла фаол-

лари билан ҳудудда осийишталлик ва барқарор ижтимоий-маънавий муҳитни таъминлаш мақсадида тадбиркорларнинг янги иш ўринлари яратишлари, касаначиликни ривожлантиришларига кўмаклашмоқдамиз. Шунингдек, ёшларнинг бўш вақтларини мазмунли ўтказиш учун уларни турли оммавий тадбирларға, жумладан, спорт мусобақаларига жалб этишға алоҳида эътибор қаратилмоқда. Олиб бoриладиган профилактика тадбирлари самарасида худудимизда жиноятчилик кескин қискарди. Ақримлар, вояға етмаганлар ўртасида ҳуқуқбузарлик ҳoлатлари умуман қайд қилинмади.

Ушбу милиция таянч пункти кўрик-танловнинг мамлакат бoсқичида иштирок этади.

**Э.ЁДГОРОВ,
ЎЗА мухбири**

ТАРҒИБОТДА ИЗЧИЛЛИК ДАВОМ ЭТАДИ



ЎзА сурати.

Инсон камолотида, унинг шахс сифатида шаклланишида маънавий етуқлик бекиёс ўрин тутади. Зеро, ҳар бир халқнинг келажаги унинг маънавий қудрати билан чамбарчас боғлиқдир.

Шу боис, Президентимиз раҳнамолитида истиклол йилларида маънавий юксалишга, маърифий баркамоллик сари интилишга алоҳида эътибор қаратиб келинмоқда. Ўзликни англашда, айниқса, ёшлар онгу тафаккурида урф-одатларимизга, азалий қадриятларимизга ҳурмат, улар қалбиде Ватанга муҳаббат туйғуларини камол топтиришда маънавият ва маърифат тарғиботида

урғу берилаётир.

Юртбошимизнинг 2006 йил 25 августда эълон қилинган «Миллий ғоя тарғиботи ва маънавий-маърифий ишлар самардорлигини ошириш тўғрисида»ги қарори бу борадаги вазифаларни янгича ва таъсирчан руҳда давом эттиришда дастуриламал бўлиб хизмат қилмоқда.

Республика Маънавият ва маърифат кенгашининг 2012 йил 30 ноябрдаги

мажлисида мазкур йўналишдаги ишларни янада кучайтириш масалаларига алоҳида эътибор қаратилди. Бу масалада «Маҳалла» хайрия жамоат фондининг ҳам махсус режаси ишлаб чиқилган. Унда маҳаллалардаги аҳоли, айниқса, ижтимоий ҳимояга муҳтож оилалар учун маънавий-маърифий тадбирлар, театр томошалари ташкил этиш бўйича бир қатор чора-тадбирлар белгиланган.

Бундан ташқари, фуқаролар йиғинларининг диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчиларининг ўз зиммаларидаги вазифаларни тўла-тўқис бажара

ришлари учун зарур шароитларни яратиш, уларнинг диний соҳада малака оширишларини ташкил этиш чоралари кўришмоқда.

Фондининг Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар бўлимлари бошқаруви раисларига миллий ғоя тарғиботи ва маънавий-маърифий ишлар самардорлигини таъминлашда «Маҳалла» хайрия жамоат фонди ҳамда фуқаролар йиғинларининг ролини кучайтириш бўйича ҳудудий чора-тадбирлар дастурини ишлаб чиқиш топширилди.

Шунингдек, режада маҳаллаларда маънавий-маърифий муҳитни янада барқарорлаштириш юзасидан олиб борилаётган миллий ғоя тарғиботи ва маънавий-маърифий ишлар, бу борада давлат ва жамоат ташкилотлари ўртасидаги ижтимоий ҳамкорлиқнинг самардорлигини ҳамда фуқаролар йиғинларининг маънавий-маърифий

ислохотлар жараёнидаги иштирокини ошириш белгиланган. Мамлакатимизда амалга оширилаётган кенг қўламли ислохотларнинг моҳиятини, миллий гурур ва ифтихор туйғуларини ёш авлод қалби ва онгига таъсирчан усуллар орқали синдириш, ғоявий ва ахборот хуружлари, уларнинг ортида турган кучларнинг ғаразли мақсадларини фож этиш, одамларни хушёрлик ва огоҳликка даъват этиш билан боғлиқ ишларни янада кучайтиришга ҳам алоҳида эътибор берилган.

Эндиликда ҳар бир маҳаллада биттадан, қишлоқ фуқаролар йиғинлари-

да эса аҳоли ва ҳудуд шароитидан келиб чиққан ҳолда маданий-маърифий ва спорт тадбирлари ўтказиш бўйича ҳудуддаги халқ таълими, ўрта махсус касб-хунар таълими тизимидаги ташаббускор ва ташкилотчи ўқитувчилардан, маҳалла фаолларидан иборат гуруҳлар фаолияти йўлга қўйилади.

Давлат ва жамоат ташкилотларида китобхонлик байрамлари, «Китобхон оила», «Китобхон маҳалла», «Китобхон мактаб» ва шу каби бошқа танловларни ўтказиш режалаштирилган. Маънавий-маърифий, маданий тадбирлар кенг жамоатчилик, жумладан, маҳаллаларда истиқомат қилаётган аҳолини, айниқса, ёшларни жалб этган ҳолда маҳаллаларнинг ўзига, қоллеж ва лицейларда, марказий клубларда ўтказилади.

Фуқаролар йиғинларида маънавият ва маърифат бурчаклари ҳамда кутубхоналарни ижтимоий-сиёсий, бадий адабиётлар, оммавий ахборот ҳамда кўргазмали тарғибот воситалари билан бойитиш ишлари бошлаб юборилган.


Бир сўз билан айтганда, аҳолининг маънавиятини юксалтириш, кишилар, айниқса, ёшлар қалбига турли ахборот хуружларига қарши мафкуравий иммунитетни шакллантириш борасидаги ишлар изчил давом эттиришмоқда. Бу жараёнда «Маҳалла» хайрия жамоат фондининг иштироки салмоқлидир.

Элбек ЖУМАНОВ,
«Mahalla» мухбири.



Самолёт ҳалокатга учради

Янги йил арафасида Москвада бахтсиз ҳодиса юз берди. «Red Wings» компаниясига қарашли «Ту-204» самолёти 30 декабрь кун «Внуково» аэропортига қўнаётганда йўлакдан чиқиб кетиб, ёнган.



Оқибатда 4 киши ҳалок бўлган, яна 4 нафар экипаж аъзоси жароҳатланган. Жароҳатланганлар зудлик билан касалхонага олиб кетилган, уларнинг аҳоли оғир эканлиги айтилмоқда. Маълумотларга кўра, самолёт бортида фақат экипаж аъзолари — жами 8 киши бўлган. Факултетада ҳодиса учувчиларнинг айби билан содир этилгани айтилмоқда. Қолаверса, шунга ўхшаш воқеа 21 декабрь кун

айнан шу русумдаги самолёт билан ҳам содир бўлганди. Мутахассисларнинг фикрича, «Ту-204» лайнерларида тор-моз тизими билан боғлиқ муаммолар мавжуд ва бу ҳақда аввалдан огоҳлантириш беририлган. Ҳозирда ҳалокатга учраган самолёт қора қутиси топилиб, ундаги ёзувлар ўрганилмоқда.

Бахтсиз ҳодиса сабабли «Внуково»да ҳаракат маълум вақтгача тўхтатиб қўйилди. Баъзи рейслар «Домодедово» аэропортига ўтказилди ва йўловчилар учун автобуслар қатнови ташкил қилинди.

Ҳалокатга учраган самолёт бундан 4 йил олдин фойдаланишга топширилган ва 2 ҳафта илгари техник кўрикдан ўтказилган. Ушбу лайнер 28 млн. долларга сўғурта қилинган экан. «Red Wings» компанияси раҳбарияти ҳалок бўлганларнинг оила аъзоларига моддий кўмак берилишини маълум қилган.

ИСТЕЪМОЛЧИ БУРЧАГИ

Кафолат талонини унутманг

САВОЛ: —Ишлаб чиқарувчи(ижрочи)нинг узоқ муддат фойдаланиладиган барча турдаги товарлар ва хизматлари учун кафиллик мажбурияти мавжудлиги ҳақида эшитандим. Бу нималардан иборат? Илтимос, шу ҳақида маълумот берсангиз.

Дилдора МАХСУМОВА.

Тошкент вилояти Паркент тумани.



ЖАВОБ: —Ўзбекистон Республикаси «Истеъмолчиларни ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги қонунининг 11-моддасига асосан, узоқ муддат фойдаланиладиган барча турдаги товарлар ва хизматларга ишлаб чиқарувчи (ижрочи) кафолат муддати белгилаши лозим. Бу муддат товар истеъмолчига сотилган ёки хизмат кўрсатилган кундан бошлаб ҳисобланади. Агар товар сотилган кунни аниқлашнинг имкони бўлмаса, унда бу муддат товар ишлаб чиқарилган санадан бошлаб ҳисобланади.

Ишлаб чиқарувчи (ижрочи) кафолат муддати мобайнида товар(хизмат)нинг, шу жумла-

дан, бутловчи буюмларнинг нормал ишлашини (қўлланилишини, улардан фойдаланилишини) таъминлаши шарт. Бутловчи буюмларнинг кафолат муддати, агар қонун ҳужжатларида бошқача қоида белгиланмаган бўлса, асосий буюмнинг кафолат муддатидан кам бўлмаслиги керак. Кафолат муддати товар(хизмат)нинг паспортда ёки уни сотиш ёхуд хизмат кўрсатиш пайтида истеъмолчига бериладиган бошқа ҳужжатда кўрсатилади.

Ишлаб чиқарувчи товардан кафолат ва хизмат муддатиде фойдаланиш имкониятини таъминлаши, таъмирланиши ҳамда унга техник хизмат кўрсатилишини ташкил этиши шарт. Шунингдек, ишлаб чиқариш ва ундан кейинги хизмат муддати мобайнида, бундай муддат бўлмаган тақдирда, товар конвейердан олинган пайтдан эътиборан ўн йил давомида етарли ҳажмда ва турда эҳтиёт қисмлари ишлаб чиқарилиши ҳамда савдо ва таъмирлаш ташкилотларига етказиб берилиши талаб этилади.

Ф.КОМРОН.

СИЗНИ ҚИЗИҚТИРГАН САВОЛ

Фақат розилик берилганидан сўнг

САВОЛ: — Мен ва турмуш ўртоғим пенсионермиз. Яқинда почта бўлими ходими бизга нафақамизнинг ярмини нақд пулда бериб, қолган 50 фоизи пластик карточкага ўтказиб юборилганини айтиди. Пенсионернинг розилигисиз пенсиянинг ярмини пластик карточкага ўтказиб юборса бўлмиши?

Шайдулло ҲОЖИМУРОДОВ.
Сурхондарё вилояти Денов тумани
«Ўрта қишлоқ» маҳалласи.

ЖАВОБ: — Амалдаги қонунчилик талабларига, жумладан, Ўзбекистон Республикаси Марказий банки ва Молия вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари пенсия жамғармаси томонидан 2011 йил 19 октябрда ҳамда Марказий банк, Молия вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари пенсия жамғармаси ҳамда ти-

жорат банклари томонидан 2012 йил 14 августда тасдиқланган қўшма кўрсатмаларга асосан фуқароларнинг пенсия тўловлари пластик карталарга ўтказилишида, уларнинг ёзма розилиги асос бўлиши керак.

Ўзбекистон Республикаси
Марказий банки
Матбуот хизмати.

МАҲАЛЛАМИЗ ЧЕМПИОНЛАРИ

ЮТУҚЛАР БУ — ЧЕГАРА ЭМАС

— Шаҳримизда оилавий спортнинг академик эшак эшиш тури кенг тарқалган, — дея гап бошлади «Маҳалла» хайрия жамоат фонди Ширин шаҳар бўлини раиси Эляш Тошмуродов. — Энг муҳими, спортнинг бу тури билан шуғулланадиган оилалар кўпчиликини ташкил этади. Кўплаб спортчиларимиз Осиё ҳамда жаҳон сўв ҳавзаларида маҳорат кўрсатиб, мамлакатимиз шарафини ҳимоя қилаётир.



«Маҳалла» хайрия жамоат фонди Ширин шаҳар бўлини раиси нафақат Ширин шаҳрининг, балки мамлакатимизнинг шарафини ҳимоя қилган кўплаб спортчиларнинг номларини фохр билан тилга олди. Булар сира-сига ака-ука Руслан ва Дамир Наурзалиев, Вячеслав Дитрих, Сергей Тянь каби халқроқ спорт усталарини киритиш мумкин.

— Яқинда уларнинг сафига Зулфия номидаги Давлат мукофоти совриндори Севара Мирзабекова ҳам қўшилди, — деди фахрланиб бўлини раиси.

— Шаҳримиздаги 3-умумтаълим мактабининг 7-синфда ўқиб юрган пайтимида спортнинг академик эшак эшиш турига қизиқиб қолдим, — дейди Севара Мирза-

бекова. — Қўшим Албина Наурзалиева-нинг акалари Руслан ва Дамир спортнинг шу тури билан шуғулланиб, ном қозонганини яхши билардим. Албина билан базага бирга бордим. Канал бўйида қаторлашиб турган бири берида чиройли қайиқларни кўриб ҳавасим келди. Уйга келиб, онажонимга ҳаммасини гапириб бердим.

Назира опа қизимдаги қизиқлиш қалби билан ҳис этди. Она-бола маслаҳатлашиб туришганда оила бошлиғи Тўйчибой ака келиб қолди ва янгликни эшитди.

— Бу яхши-ку, онаси. Севара қизимиз етти йўлаб бир кесадиғанлар тоифасидан. Бирор нарсани ўйлагандирки, шундай қарорга келибди. Уни қўллашимиз керак,—

дея ота қизининг фикрини қувватлади.

Бу оиладагилар азалдан спортга ишқибоз. Шаҳардаги ҳар қандай беллашувлар уларнинг иштирокисиз ўтмайди. Улар ҳатто «Отам, онам ва мен — спортчилар оиласимиз» шиори остида вилоятда ўтган мусобақаларда ҳам бир неча бор Ширин шаҳри шарафини ҳимоя қилган.

Хозирга қадар Севара 33 марта Ўзбекистон чемпиони, мамлакат кубогини соҳиб. Нуфузли мусобақаларда 30 марта шохсупанинг иккинчи, 13 марта учинчи поғонасига кўтарилган.

Бир пайтлар Ширинда спортнинг бу тури билан шуғулланадиган ўзбек қизлари бармоқ билан санарли эди. 2004 йилнинг 13-15 сентябрь кунлари «Тошкент денгизи»да Ўзбекистон чемпионати старт олди. Мураббийлар 2000 метрли масофага тўрт кишилик қайиқда Севара Мирзабекованинг номзодини ҳам иштирокчилар қаторига қўшишди. Илк расмий мусобақанинг ҳаяжони ёш спортчини таъриб қила бошлади. Лекин у бунинг сездирмади, биринчи бўлиб маррага етиб келди.

Ўзбекистон академик эшак эшиш федерацияси Севарани олий ўқув юртига имтиёзли равишда ўқишга кириш ҳуқуқини берадиган сертификат билан сиёлади. Қажрамонимиз 2009 йил Гулистон давлат институтини педагогика факультетининг жисмоний тарбия ва маданият йўналиши талабасига айланди.

Севара Мирзабекова спортда қўлга киритган улкан ютуқлари учун Зулфия номидаги Давлат мукофотиға сазовор бўлди. Бугунги кунда Севара ва унинг издошлари қўлга киритаётган ютуқларни кўриб Ширин шаҳри қизлари спортнинг академик эшак эшиш турига ошно бўлишмоқда.

Тошпўлат ҲАЙИТБОВЕВ,
«Mahalla» мухбири.

Шахмат

Жаҳон рейтингда юқори кўрсаткичлар



Халқаро шахмат федерацияси — ФИДЕ энг кучли шахматчиларнинг 2013 йилдаги дастлабки рейтинг жадалини эълон қилди.

Унга кўра, 2004 йилги жаҳон чемпиони Рустам Қосимжонов ўн етти поғона юқорилаб, жадалнинг 33-қаторидан жой олди. Унинг ҳисобида жами 2709 очко бор. Бу халқроқ гроттсмейстернинг фаолиятидаги энг юқори рейтинг кўрсаткичидир.

Дзюдо



Спортчимиз халқаро рейтингда биринчи ўринда қайд этилди.

Олимпия ўйинларининг икки қарра бронза медали соҳибини Ришод Собиров 2012 йил якунларига кўра, 60 кг. вазн тоифасида Халқаро дзюдо федерацияси (IJF) рейтингда биринчи ўринни эгаллади.

Шунингдек, ўзбекистонлик спортчилардан Рамзиддин Саидов 100 кг.гача вазн тоифасида иккинчи, Наврўз Жўрақобов 73 кг.гача вазн тоифасида ва Абдулла Акбаров 100 кг.гача вазн тоифасида еттинчи ўринга лойиқ деб топилди. Ҳурийд Набиева эса 73 кг.гача вазн тоифасида тўққизинчи ўрин насиб этди.



«Associated Press» тарқатган маълумотга кўра, бу ҳолат

га полиция Шимолий Ҳиндистонда рекорд даражасида кузатилаётган паст ҳароратни сабаб қилиб кўрсатган.

Об-ҳаво маълумотлари департаменти ҳарорат ўртача иқлим меъёридан 4-10 Цельсий даражасигача пастлигини маълум қилди.


Айтиш жоизки, 1969 йилдан бери пойтахт Янги Деҳлида энг паст ҳарорат +9,8 даражани ташкил этганди.

Қотилликлар камайган йил

Нафақат АҚШдаги, балки дунёдаги энг йирик шаҳарлардан бири бўлган Нью-Йоркда 2012 йилда содир этилган қотилликлар шаҳар тарихидаги энг паст кўрсаткични ташкил этди.



Ўзбекистон «Маҳалла» хайрия жамоат фонди республика бошқаруви ҳамда фондининг Жиззах вилояти бўлими бошқаруви жамоаси фондининг Бахмал тумани бўлини раиси **Бўрибой ТОШПЎЛАТОВ**нинг вафоти муносабати билан марҳумнинг оила аъзоларига таъзия изҳор қилади.



Муассис: Ўзбекистон «Маҳалла» хайрия жамоат фонди
Республика бошқаруви

Mahalla
ижтимоий-сиёсий ва маърифий газета

Ўзбекистон Республикаси Матбуот ва ахборот агентлигида 2006 йил 6 декабрда 0019 рақами билан рўйхатга олинган.

Бош муҳаррир
Бахтиёр АБДУСАТТОРОВ
Телефонлар:
236-53-93 233-10-73
236-53-75 236-57-62
Факс: 233-39-89

